

## «МАШАРИҚУ-Л-АНВОР»ДА ҲАДИСЛАРГА БЕРИЛГАН ҲОШИЯЛАРНИНГ МАЗМУНИ

*Бобоходжаев Садулла*

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази Халқаро алоқалар ва зиёрат туризмини ривожлантириши бўлими бошлиги

## «ПРОЯСНЕНИЕ СНОСОК: ҲАДИСЫ В «МАШАРИҚУ-Л-АНВАР»

*Бобоходжаев Садулла*

Начальник отдела международных связей и развития паломнического туризма Международного научно-исследовательского центра имама Термизи

## «ILLUMINATING THE FOOTNOTES: HADITHS IN MAŠĀRIQU-L-ANWĀR»

*Sadulla Bobokhodjaev*

The Head of the International Relations and Pilgrimage Tourism Development Department at the Imam Termizi International Research Centre



Тел: +998995095637

E-mail:

[grandyhappeness@gmail.co](mailto:grandyhappeness@gmail.co)

m

Orcid: 0009-0001-3879-1042

**Аннотация.** Уибу мақола асар қўлленинида берилган ҳошияларнинг мазмун моҳияти, турлари ва қўлланилиши ҳақида сўз юритади. Асар ҳошиялардаги морфологик изоҳлар бошқа мазмунга нисбатан кўпроқ баён қилинган.

**Калит сўзлар:** ҳошия, шарҳ, ҳадис, изоҳ, Mašāriqu-l-anwār, қўлленима.

**Аннотация.** В данной статье рассказывается о значении, видах и использовании сносок, которые даются в рукописях произведений. Морфологические комментарии в сносях произведения более подробны, чем остальное содержание.

**Ключевые слова:** сноска, ҳадис, комментарий, Mašāriqu-l-anwār, рукопись.

**Abstract.** This article talks about the meaning, types and use of the footnotes given in the manuscripts of the work. Morphological comments in the footnotes of the work are more detailed than other content.

**Key words:** footnote, hadith, commentary, Mašāriqu-l-anwār, manuscript.

### КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION).

Асарларда хусусан қадимий қўлленима манбаларда ҳошиялар кўп учрайди. Шунингдек, «Машариқу-л-анвор»нинг кўплаб нусхаларида ҳам ҳошияларни учратиш мумкин. Асар нусхаларининг ичидаги ҳошияси аниқроқ ва кўплиги билан ажралиб турадиганларидан бирини TE-8 нусхасидир. Нисбатан кейинроқ кўчирилган ушбу нусхада ҳошиялар аниқ ва тушунарли берилган.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / MATERIALS AND METHODS).

“Ҳошия” сўзи арабча бўлиб, “чети”, “қирраси” маъноларини англатади. Асарларда эса, китоб ёки дафтар вараги атрофидаги хат ёзилмай очик қолдирилган қисмига ҳошия дейилади. Ҳошиядаги асарда келган сўзларга изоҳ, воқеликка шарҳ ёки ҳикоя акс этган бўлади. «Машариқу-л-анвор» асарида келган ҳошияларни ўрганиш давомида улар асардаги сўзларга изоҳ, ҳадисларда тушиб қолган сўз ва бирималар ҳамда бирор воқеага шарҳ эканининг гувоҳи бўламиз [3].

Ҳошияларни аниқлаб ва белгилаб олиш учун хаттот қизил сиёҳда арабча ҳарф ва рақамлардан фойдаланган. “Шарҳ” сўзи арабча

شَرْحٌ феълидан олинган бўлиб “очиқламоқ, изоҳламоқ, ёрмок” деган маъноларни англатади. Ҳадис шарҳлаш илми ҳадис соҳаларидан биридир. Муҳаддислар “Кирқ ҳадис” номи остида кўплаб асарлар ёзишган. Пайғамбаримиз айтдилар: “Ким умматидан қирқ ҳадисни ёд олса, мен унга қиёматда шафоатчи бўламан”. Ушбу ҳадис саҳих эмас. Ҳадисларни шарҳлаш илми уларнинг маъно ва мақсадини баён қилиш ҳамда улар билан боғлик хукмлар, уламолар баёни билан шуғулланувчи фандир. Истелоҳда: Ҳадисни шарҳлаш илми – Расулуллоҳ билан боғлик бўлган нарса ва воқеаларнинг маънолари ва фикҳини тушунтириш, кенг қамровли масалалар ва тамойилларни билиш, унинг маъноларини аниқлаштириш ва тушунтиришдан иборат илмдир. Бундан келиб чиқадики, бу ҳадис фикҳи илми, ҳадисни шарҳлаш илми, ҳадис маънолари илми ёки ҳадис тафсирининг асослари илми деб аталади [2].

## МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION).

Ҳадисни шарҳлаш уч жиҳат билан боғлик бўлиб, улар қуидагилардир: Ҳадис санади билан боғлик бўлган нарса, ҳадис даражасини баҳолаш ва ойдинлаштириш, ровийларни таништириш ва ровийлар исмларидан нималарни аниқлаштириш зарурлигини кўрсатиш, шу билан бирга, ҳадисда эътибордан четда қолган ва ноаниқ бўлган нарсаларни чукур таҳлил қилмасдан шарҳлаш. Чунки санад билан боғлик бу жиҳатларнинг ҳар бири унга хосdir.

Ҳадис калималарининг маъноларини тушунтириш билан боғлик бўлган нарса - луғат ва тил қоидаларига оид китобларга мурожаат қилиб, тушунтиришга муҳтож [4].

Ҳадис нимани назарда тутаётганини шарҳлаш ҳадиснинг фикҳи бўлиб, унда уламоларнинг қарашлари ва уларнинг хulosалари мухимдир. Сўзнинг маъносини тил нуқтаи назаридан тушунтириш билан ҳадисдан кўзланган маънони тушунтириш ўртасида фарқ борлиги таъкидланади.

Ҳадис муфассирлари ҳадисларни шарҳлашда учта усулдан бирига амал қилгандар: Объектив шарҳ:

راضي الدين صاغني. مشاريق الأنوار. مكتبة جامعة كنیجینیکس سلوف. مخطوطه. رقم. 12 TE-8. ص<sup>1</sup>

Бу усулда муфассир санад занжири ва матнни ўрганади ва ҳадисларни мавзуулар ҳамда масалаларга ажратади ва маълум бир мавзууга оид ҳамма нарсани ҳадислардан тўплайди.

Ушбу усулни олган шарҳлар орасида эътиборлилари:

Арида ал-Аҳвазий (عارضة الأحوذى) “Саҳихи Термизийнинг шарҳи” (شرح صحيح الترمذى). Шарҳловчи – Ибн Ал-Арабий;

“Аҳком ҳадислари шарҳи” (شرح بأحاديث الأحكام). Шарҳловчи – Ибн Дақиқ;

“Жомеъ ас-саҳих шарҳи” (التوضيح لشرح الجامع الصحيح). Шарҳловчи – Ибн Мулақон. [5]

Мавзууни шарҳлаш ёки оғзаки шарҳлаш. Унда муфассир ҳадис матни ёки ҳатто унинг нақл қилиш занжиридаги маълум ўринларга мурожаат қиласи ва “ва унинг баёни” (قوله) сўзи билан бошланади, бу ибора юритилаётган сўз ёки ноаниқ иборани изоҳлайди.

Бу усулни танлаган муфассирлар:

Абу Довуд Хаттобий (“Ma‘alimu-s-sunan” معلم السنن), Мозурий (“al-mu‘allim bifawāīdi muslim” المعلم بفوائد مسلم), Қози Иёз (“Ikmal-l-mu‘allim” إكمال المعلم), Ибн Ҳожар ал-Аскalonий (“Фатхул Бореъ” فتح الباري).

3. Аралаш шарҳлаш – айнан шориҳ ҳадисдаги ғализ сўз ёки иборани ўзига хос ибора билан аралаштириб юборса, ўкувчи бу бирикмани ўқиса, сўзнинг маъносини тушунади. Бунга Қасталонийнинг (“Irshādu-s-Sārī ila šarḥi shāhīlī-Bu ḥārīt” إرشاد الساري إلى شرح صحيح البخاري) асарини мисол қилишимиз мумкин.

## НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS).

Асардаги сўз ва бирикмалар учун берилган ҳошиялар:

زيد بن خالد الجهنمي رضي الله عنه من آوى (ط) ضالله (ه) فهو ضال 1. ما لم يُعرَفَها

Ҳадисдаги биринчи ҳошия ط ҳарфи белгиси билан сўзи учун берилган: بمَ الْهَمْزَةُ وَقَصْرُهَا أَيْضًا ضَمُّ الْيَهِ وَكُلُّ مِنْهَا يُجِيءُ لَازِمًا وَمُتَعَدِّيًّا لَكُنَّ الْقَصْرُ فِي الْلَازِمِ وَالْمُتَعَدِّيُّ أَشَهَرُ بِهِ جَاءَ الْقُرآنُ الْعَزِيزُ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى أَذْأَوْيَنَا إِلَى الصَّخْرَةِ وَأَوْيَنَا هَمَا إِلَى رَبِّهِ.

Ҳамза мад ёки қисқартириш билан яъни қўшганда, у лозим ва мутааддий бўлади. Аммо Лозим феълда қисқартириш ва Мутаадийда мад

қилиш Қуръони каримда оят билан исботланган [6].

Хадиснинг иккинчи ҳошияси ० (беш) рақами билан ضَلَّة (золлатун) учун берилган ҳошия:

وَهِيَ مَا ضَلَّ مِنَ الْبَهِيمَةِ وَاللَّقْطَةُ تَعَمُ لَكُنَّ أَكْثَرُ اسْتَعْمَالِهِ فِي غَيْرِ الْحَيْوَانِ.

Бу ҳайвондан йўқолган нарса, лекин кўпроқ ҳайвон бўлмаган турларда қўлланилади.

أَبُو هُرَيْرَةَ مَنْ أَخَذَ أَمْوَالَ النَّاسِ يُرِيدُ أَدَاءَهَا أَدَاهَا اللَّهُ عَنْهُ أَنْفَفَهُ اللَّهُ وَمَنْ أَخَذَ يُرِيدُ إِثْلَاقَهَا

Амвоал الناس үшбу ҳадисдаги ҳошия (инсонларнинг моли) биримаси учун берилган: وهذا الاخذ أعم من ان يكون بحق او بغيره ولهذا لم يقيده بقوله ظلما.

Бу маъно адолатли ёки ноҳақдан кенгроқдир. Бинобарин, “ноҳақ” дейиш билан чекламайди.

Биринчи ҳошияда умумий маънода, иккинчи ҳошияда келажакдан хабар берилаётганлиги, учинчи ҳошияда инсон йиққан, жамлаган мол-дунёсининг завол бўлиши хақида келган.

#### ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION).

Чағоний «Машариқу-л-анвор» асарида келган ҳошияларда мураккаб бўлган сўзларнинг изохи, саҳобалар ҳаётига доир тарихий воқеалардан хабар бериши, тушиб қолган сўзлар

қизил чизик тортилиб ҳошияда берилиши асарнинг лексика қисми ёритилгани ҳамда мазмуни тўлиқ берилганига далолат қиласди.

Асарнинг ҳошияларида ҳадис ва оятлар шаръий хукмларининг баён қилиниши асар мазмунини бойитган.

ط، ٤، ٢، ٣ ٨، ٧، ٥ راکام و ҳарфларнинг ишлатилиши ҳошиялар безак берганлиги ўзига хослик касб этган.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES)

1. راضي الدين صاغني. مشاريق الأنوار. مكتبة جامعة TE-8. كنيجنيكس سلوف. مخطوطه. رقم
2. راضي الدين صاغني. مشاريق الأنوار. جامعة الملك سعود. مخطوطه. رقم 213 – 138 ق.
3. راضي الدين صاغني. مشاريق الأنوار. مكتبة السليمانية، تركيا. مخطوطه. رقم 165 – 153 ق.
4. راضي الدين صاغني. مشاريق الأنوار. مكتبة الحرم المكي. مخطوطه. رقم 691 – 189 ق.
5. راضي الدين صاغني. مشاريق الأنوار. مكتبة المدرسة الإسبانية. مخطوطه. رقم 492 – 150 ق.
6. راضي الدين صاغني. مشاريق الأنوار. جامعة الإمام محمد. مخطوطه. رقم 8131 – 123 ق.
7. راضي الدين صاغني. مشاريق الأنوار. جامعة الإمام محمد. مخطوطه. رقم 6898 – 394 ق.

